

Research Article

**MODERN PEDAGOGICAL AND INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE EDUCATION OF
INFORMATICS**

O.O. Buronova¹

M.U. Qushayeva²

¹Student, Department of applied mathematics and computer science, faculty of physics and mathematics, Bukhara state University, Uzbekistan.

²Student, Department of applied mathematics and computer science, faculty of physics and mathematics, Bukhara state University, Uzbekistan.

DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11.29

Abstract

This article analyzes the main tasks of the application of modern pedagogical, innovative technologies in the education of informatics, including the organization of students' creative searches, the use of methods of independent work.

Key words: informatization, pedagogy, innovative technologies, promising teaching tools, project, professional training.

Жамият ривожланишининг замонавий босқичи унинг барча соҳаларини ахборотлаштириш ва уни татбиқ қилишдан иборат. Ушбу муаммони ҳал қилиш ахборотлашган жамиятга ўтишининг муҳим масалаларидан биридир. Мамалакатимизнинг таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар асосий мақсади ҳам таълимни ахборотлаштиришга, яъни ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилгандир. Дунё иқтисодиётининг глобаллашуви, жараёнларнинг ахборотлашуви, янги технологиялар яратилиши ва ишлаб чиқаришга жадаллик билан жорий этилиши жамиятда ўзгаришлар динамикасини ошириб юборди. Ҳозирда информатика фани метафан қирраларини касб этиб, унинг аҳамияти дунёнинг замонавий шакллантиришда, у киритаётган тушунчалар фундаменталлиги ва методологиясининг умумийлигида ортиб борапти. Бу ҳолатлар кадрларнинг касбий тайёргарлигида ўз аксини топиши зарур ва муқаррарлигини кўрсатади.

Информатикани ўқитишда педагогик, инновацион технологияларни қўллашнинг асосий мақсади бўлғуси информатика ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантиришни таъминлаш, уларнинг педагогик тафаккурини кенгайтириш, информатикани ўқитишда замонавий педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш учун зарур бўладиган педагогик билим, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборатдир. Информатика таълимида замонавий педагогик, инновацион технологияларини қўллашнинг асосий вазифалари:

- кўп босқичли информатика таълими тизимида инновацион технологияларнинг ўрнини асослаш ва талабаларга зарур тавсиялар бериш;

- информатика ўқитиш технологияларини мунтазам равишда янгилаб бориш заруриятини асослаш ва табақалаштирилган ёндашув асосида педагогик технологияларни қўллаш мезонлари, йўллари ва услулари билан қуроллантириш;

- талабаларда истиқболли ўқитиш воситаларидан фойдаланиш ва уларга таянган ҳолда информатика ўқитиш технологияларини лойиҳалаш, амалиётга жорий эта олиш билим, кўникма ва малакаларини таркиб топтириш;

- информатикани ўқитишда унинг мақсади, мазмуни, метод ва воситалари ҳамда олинadиган натижаларни замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш заруриятини асослаш;

- бўлажак информатика ўқитувчисида касбий тайёргарликни ривожлантиришни таъминлаш, информатикани ўқитишда инновацион таълим муҳитини лойиҳалаштириш, амалга ошириш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантириш;

- талабаларнинг педагогика, психология ҳамда информатика фанларидан олган билимларини тизимлаштириш, умумлаштириш ва шу асосда уларни чуқурлаштириш;

- инновацион педагогик муҳитни лойиҳалаш заруриятини асослаш ва индивидуал ёндашув асосида информатикани ўқитиш жараёнини такомиллаштириш йўллари ва усуллари билан қуроллантириш;

- таҳлилий – танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш орқали информатика ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашдир.

Информатика таълимида замонавий педагогик ва инновацион технологияларини қўллашда фойдаланиладиган таълим методлари ва технологиялари сифатида модулли, муаммоли таълим, дидактик - ўйинли, ҳамкорликда ўқитиш ҳамда анъанавий-ноанъанавий таълим технологияларидан, интерфоал ўқитиш методларидан, ахборот коммуникация технологиялари воситаларидан, мультимедиа технологияларидан фойдаланиш, шу билан бирга талабаларни кичик гуруҳларда ўқитишни, уларнинг ижодий изланишларини ташкил этишни, мустақил фикрлаш ва ишлашни таркиб топтириш усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Информатика таълимида замонавий педагогик ва инновацион технологияларини қўллаш жараёнида талабалар қуйидаги натижаларга эришадилар:

-информатика таълим соҳасида қўлланиладиган замонавий педагогик ва инновацион технологияларининг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари, даражаларини ажрата олиш ва таснифлаш;

- ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ташкил этиш ва бошқариш йўлларини, ўқувчиларга табақалаштирилган, индивидуал ёндашишни;

- информатикани ўқитишда турли замонавий ўқитиш технологиялари: модулли, муаммоли таълим, дидактик - ўйинли, ҳамкорликда ўқитиш ҳамда анъанавий таълим технологиялари, лойиҳали технологиялар, информатика ўқитишда янги педагогик технологиялари воситаларидан, мультимедия технологияларидан фойдаланишни;

-илмий, илмий–методик журналларда чоп этилган ва ўқув адабиётларида мавжуд бўлган, Интернет орқали берилган ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган таълим технологиялари ҳақидаги мақолаларни ва ахборотларни мустақил ўрганиб, таҳлил қила олиш ва улардан ўз амалий фаолиятларида фойдаланишни;

-инновацион педагогик тажрибаларни ўзлаштириш, амалга ошириш, баҳолаш ва такомиллаштиришни;

-ўқувчиларнинг билим кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг самарали тизимини амалга оширишни;

-ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш фаолиятларини бошқаришни;

-ўқувчилар ўқув-билув фаолиятини инновацион ташкил этишни.

Информатика ва ахборот технологиялари курсининг бирор бўлимини ўқитишда инновацион технологияларидан унумли фойдаланиш учун ўқитувчи: курснинг аниқ материалларини ўқитишдаги мақсад ва вазифаларини, таълим натижаларига бўлган замонавий талабни кенг таҳлил қилиши; режалаштириладиган таълим натижаларига эришишга имкон яратадиган ўқув фаолияти шакллари тўғри танлаши; режалаштириладиган таълим натижаларига эришишга хизмат қиладиган ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини, электрон ресурсларни танлаб олиши зарур.

11th International Conference. September, 10 - November, 30, 2020.
UK, S Yorkshire, Sheffield

«SCIENCE AND PRACTICE: A NEW LEVEL OF INTEGRATION
IN THE MODERN WORLD» • Conference Proceedings

DOI: http://doi.org/10.15350/UK_6/11

References

- Баҳромов А.А. Малака ошириш тизимида янги ахборот технологиялари. – «Халқ таълими» журнари,
4- сон, 2000 й.
- Ғуломов С. Ахборот тизимлари ва технологиялари. –Т.: «Шарқ», 2000 й.